



ЛИЦЕНЗИЯ ШАРТНОМАСИ ВА ФРАНШИЗИНГ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ

МАСАЛАЛАРИ

А.З.Мамадалиев

Мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7118672>

ARTICLE INFO

Received: 24th September 2022

Accepted: 26th September 2022

Online: 28th September 2022

KEY WORDS

лицензия шартномаси,
франшизинг шартномаси,
товар белгиси, тижорат
сири, фирма номи, лицензиар,
лицензиат

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятида интеллектуал фаолият натижаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга махсус тадбиқ этиш билан боғлиқ икки турдаги шартнома миллий қонунчилигимизда белгиланган. Сўз, лицензия шартномаси ҳамда комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси (франшизинг) тўғрисида бормоқда. Мазкур турдаги шартномаларнинг иқтисодий жараёнлардаги аҳамияти тобора ортиб бораётган бир вақтда, баъзида ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларнинг предмети, муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг шартнома мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгиланган билан боғлиқ қонунчилик асосларини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Одатда, мазкур турдаги шартномалар мутлақ ҳуқуқ эгасига тегишли шахсийлаштириш воситасини

ABSTRACT

мақолада лицензия шартномаси ва франшизинг шартномасига кўра шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланишнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари таҳлил қилинади, илмий-назарий хулосалар қилинади.

лицензиатга тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш, жумладан маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш учун тақдим қилиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ўзида намоён этади. Лекин, ушбу шартномаларни тузишда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда шартнома шартларини амалга ошириш билан боғлиқ баъзи тушунмовчиликларни аниқлаштирилиши, шартномани ҳақиқий саналиши билан боғлиқ шартлар таҳлил қилиниши талаб этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шахсийлаштириш воситалари билан боғлиқ муносабатлар, хусусан уни учинчи шахсларга фойдаланишга бериш билан боғлиқ ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қоидалар иқтисодий



муносабатлар тобора ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитида талабга жавоб бермай қолмоқда. Бу эса ўз навбатида, тарафларнинг шартнома шартларини белгилаш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ айрим низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, мутлақ ҳуқуқ эгаси товар белгисига нисбатан ҳуқуқларни бошқа шахсга товар ишлаб чиқариш мақсадида вақтинча фойдаланишга бериш билан боғлиқ икки хусусиятдаги шартнома амал қилади:

1) Товар белгисини лицензия шартномаси асосида фойда-ланишга тақдим қилиш;

2) Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси (франшизинг) асосида товар белгиси ҳамда у билан бирга шахсийлаштиришнинг бошқа воситаларини (фирма номини, хизмат кўрсатиш белгиси, тижорат сири ва ҳ.к.) мулкый комплекс сифатида бериш.

Франшизинг шартномасини лицензия шартномасидан ажралиб турувчи ўзига хос хусусияти, бунда мутлақ ҳуқуқ эгаси лицензиар лицензиатга товар белгиси билан бирга мутлақ ҳуқуқлар комплексини (фирма номини, тижорат сири, домен номини, хизмат кўрсатиш белигисини) тақдим қилади. Ушбу шартноманинг номланиши ҳам шундан келиб чиққан ва унга нисбатан “комплекс” атамаси қўлланилади. Франшизинг шартномасининг субъектлари лицензиар ва лицензиатдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 863-моддасига мувофиқ, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ёзма равишда тузилиши ва у

шартномага мувофиқ лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахсни ёки яқка тадбиркорни рўйхатга олган орган томонидан рўйхатга олиниши керак.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича лицензиат лицензиарга қатъи белгилаб қўйилган бир йўла ёки даврий тўловлар, тушумдан ажратмалар, лицензиар томонидан унга қайта сотиш учун етказиб бериладиган товарларнинг улгуржи нархларига устамалар шаклида ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида назарда тутилган бошқа шаклда ҳақ тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 866-моддасида франшизинг шартномасига мувофиқ, лицензиарнинг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, унга кўра лицензиар:

- лицензиатга техникавий ва тижорат ҳужжатларини топшириши ҳамда лицензиат комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ўзига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур бўлган бошқа ахборотни тақдим этиши, шунингдек лицензиат ва унинг ходимларига ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан йўл-йўриқлар бериши;

- лицензиатга шартномада назарда тутилган лицензияларни бериши, уларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлаши;

- лицензиатга доимий техникавий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиши, шу жумладан ходимларни ўқитиши ва уларнинг малакасини оширишда ёрдам бериши шарт.



Шунингдек, мос равишда Фуқаролик кодексининг 867-моддасига мувофиқ лицензиатнинг мажбуриятлари қуйидагилар ҳисобланади:

- шартномада назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш чоғида лицензиарнинг фирма номидан шартномада кўрсатилган тарзда фойдаланиши;

- у шартнома асосида ишлаб чиқараётган товарлар, кўрсатаётган хизматлар, бажараётган ишлар сифати бевосита лицензиарнинг ўзи ишлаб чиқараётган, кўрсатаётган ёки бажараётган шундай товарлар, хизматлар ёки ишларнинг сифатига аниқ мос бўлишини таъминлаши;

- лицензиарнинг лицензия комплексига кирувчи алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланиш характери, усуллари ва шартлари бу ҳуқуқлардан лицензиарнинг фойдаланишига аниқ мос келишига қаратилган барча йўриқномалари ва кўрсатмаларига, шу жумладан лицензиат шартнома бўйича ўзига берилган ҳуқуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланадиган тижорат биноларининг ташқи ва ички безакларига доир кўрсатмаларига ҳам риоя этиши;

- сотиб олувчилар (буюртмачилар) бевосита лицензиардан товар (хизмат, иш) ни сотиб олган (буюртма берган) вақтда уларга умид қилишлари мумкин бўлган ҳамма қўшимча хизматларни кўрсатиши;

- лицензиарнинг ишлаб чиқариш сирларини ва ундан олган бошқа махфий тижорат ахборотини ошкор қилмаслиги;

- агар шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, шартлашилган

миқдорда ёрдамчи лицензияларни бериши;

- комплекс тадбиркорлик лицензияси туфайли фирма номидан, товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан ёки бошқа индивидуаллаштириш воситасидан фойдаланаётганлигини сотиб олувчиларга (буюртмачиларга) улар учун жуда аниқ усулда маълум қилиши шарт.

Бошқа шартномаларда бўлгани каби франшизинг шартномасининг ҳам ўзига хос махсус шартлари ҳам мавжуд бўлиб, ушбу шартлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 868-моддасига мувофиқ, эксклюзив шартлар сифатида эътироф этилади. Франшизинг шартномасининг мазкур эксклюзив шартлари бўлиб:

- лицензиарнинг лицензиатга бириктириб қўйилган ҳудудда фойдаланиш учун бошқа худди шундай комплекс тадбиркорлик лицензияларини бермаслик ёки ушбу ҳудудда бевосита мустақил фаолият олиб бормаслик мажбурияти;

- лицензиатнинг комплекс тадбиркорлик лицензиясидан фойдаланиладиган ҳудудда лицензиар билан рақобатлашмаслик мажбурияти;

- лицензиатнинг лицензиарнинг рақобатчиларидан (бўлажак рақобатчиларидан) бошқа комплекс тадбиркорлик лицензияларини олишдан воз кечиши;

- лицензиатнинг шартнома бўйича ўзига берилган алоҳида ҳуқуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланиладиган тижорат бинолари жойлаштириладиган ерни, шунингдек уларнинг ташқи ва ички безакларини



лицензиар билан келишиш мажбурияти ҳисобланади.

Биз юқорида, товар белгисининг ўзига хос шартномавий муносабатлар доирасида фуқаролик ҳуқуқи объекти бўлиши билан боғлиқ лицензия шартномаси ва франшизинг шартномасини кўрсатиб, унинг ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтдик. Энди қуйида мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга тақдим қилиш билан боғлиқ ушбу икки турдаги шартноманинг айрим ўзига хос жиҳатларини товар белгиси мисолида ўзаро қиёсий таҳлил қилиб ўтамыз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддаси 1-қисмига мувофиқ, “лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф лицензиар бошқа тарафга лицензиатга тегишли интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсатнома бериши” билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабат тушунилади. Ушбу хусусиятдаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномага мувофиқ, лицензиар лицензиатга хусусий аломатни ўзида акс эттирган бир турдаги шахсийлаштириш воситасига нисбатан ҳуқуқни тақдим этади. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1105-моддасида “гувоҳномада кўрсатилган товарларнинг барча гуруҳларига ёки бир қисмига нисбатан товар белгисига бўлган ҳуқуқни унинг эгаси шартнома асосида бошқа шахсга бериши мумкинлиги” белгиланган.

Франшизинг шартномаси лицензия шартномаси каби интеллектуал фаолият натижаси бўлган мутлақ

ҳуқуқларни тақдим этиши билан боғлиқ шартнома ҳисобланади. Лекин, мазкур турдаги шартноманинг ўзига хослиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 862-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра “шартнома бўйича лицензиар лицензиатга ҳақ эвазига фирма номини, тижорат сирини, товар белгисини (ихтиролар ва бошқалардан), лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига оладиган мутлақ ҳуқуқлар комплексини бериш мажбуриятини ўз ичига олади”ган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдир. Ушбу турдаги шартноманинг лицензия шартномасидан фарқли жиҳати, лицензиар ўзига тегишли бўлган ҳамда ўз ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолиятида фойдаланиладиган барча шахсийлаштириш воситаларини лицензиатга мулкый комплекс сифатида тақдим этади.

Айрим адабиётларда франшизинг шартномаси мутлақ ҳуқуқни бошқа шахсга тақдим этиши билан боғлиқ муносабатларни ўзида мужассам этганлиги туфайли лицензия шартномасининг бир тури сифатида эътироф этилади. Лекин, рус олими Е.А.Суханов бу фикрга қўшилмайди. Унинг фикрича, “франшизинг шартномасига лицензия шартномасининг бир тури сифатида қарамаслик лозим. Чунки, франшизинг шартномасига мувофиқ мутлақ ҳуқуқ эгаси комплекс шахсийлаштириш воситаларини тақдим этиши билан бирга, айрим ҳолатларда мулкый ҳуқуқларни ҳам тақдим этади. Лицензия шартномасида эса, фақат битта мутлақ ҳуқуқ тақдим этилади холос”. Шунга



кўра, лицензия шартномаси ҳамда франшизинг шартномаларини қонунчиликда тартибга солиниши билан боғлиқ айрим ҳолатларни таҳлил қилиб ўтамиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 863-моддасига кўра, “комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ёзма равишда тузилиши ҳамда шартномага мувофиқ лицензиар (юридик ёки яқка тартибда тадбиркорлик субъекти) рўйхатга олинган орган томонидан рўйхатга олиниши лозимлиги ҳамда ушбу қоидага риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлиши белгиланган”. Демак, мазкур белгиланган қоидага кўра, лицензиар у қаердан рўйхатга олинган бўлса, табиийки шартнома ҳам шу ердан рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1105-моддаси 3-қисмига мувофиқ, “товар белгисига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтиши, шу жумладан уни шартнома асосида ёки ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга бериш Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилмоғи лозим”лиги белгиланган. Агар мазкур икки шартномавий муносабатларнинг предметиға эътибор қаратилса, унда ҳар икки шартнома ҳам интеллектуал фаолият натижаларини бошқа шахсга тақдим этиш билан боғлиқ муносабатни ўзида мужассам этади. Яъни ҳар икки турдаги шартноманинг предмети мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга тақдим этиши билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Лекин, бунда франшизинг шартномаси юқорида таъкидлан-ганидек, лицензиар

рўйхатдан ўтказилган орган томонидан рўйхатга олинса, лицензия шартномаси эса Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 863-моддасида белгиланган шарт асосида франшизинг шартномасини ҳақиқий деб ҳисоблайдиган бўлсак, бундай ҳолда кейинчалик айрим муаммоли ҳолатларни келтириб чиқаради. Хусусан, франшизинг шартномасини рўйхатга олган орган шахсийлаштириш воситаси муомаласи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланмайди, иккинчидан шахсийлаштириш воситаларига нисбатан берилган гувоҳноманинг муддати ўтганлиги билан боғлиқ ҳолатда лицензиат ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 863-моддасида белгиланган шарт асосида франшизинг шартномасини ҳақиқий ҳисоблаш билан боғлиқ ҳолатлар, жумладан, Украинанинг Фуқаролик кодекси (1118-моддаси 2-қисми)да, Тожикистон Республикасининг Фуқаролик кодексида (959-моддаси 2 қисми) белгиланган.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1028-моддаси 2-қисмига мувофиқ, франшизинг шартномаси интеллектуал мулк ташкилотидан рўйхатдан ўтказилиши талаб этилади. Ушбу қоидага риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Белгиланган шарт, шунингдек Беларус Республикасининг Фуқаролик кодексида (9101-моддаси),



Қозоғистон Республикасининг Фуқаролик кодексиди (897-1-моддаси 1 қисми) ҳам белгиланган.

Иккинчидан, франшизинг шартномасида ҳам лицензия шартномасида ҳам муддатни белгилаш тарафларнинг ихтиёри билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 862-моддаси 4-қисмига мувофиқ, франшизинг шартномаси муддати кўрсатилган ёки муддати кўрсатилмаган вақтга қадар амал қилиши белгилаб ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 874-моддасига мувофиқ, “агар франшизинг шартномаси амал қилиб турган даврда лицензия комплексига кирувчи алоҳида ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаса ёки бундай ҳуқуқ бошқа асосга кўра бекор бўлса, шартнома бекор бўлган ҳуқуққа тааллуқли қоидаларни чегириб ташлаган ҳолда сақланиб қолиши” қоидаси белгиланган. Демак, мазкур шартнома бўйича лицензиатга тақдим этилган у ёки бу шахсийлаштириш воситасининг амал қилиш муддатининг тугаши оқибатида шартноманинг бекор бўлишига сабаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддаси 2-қисмига мувофиқ, лицензия шартномаси франшизинг шартнома-сидан фарқли ўлароқ, шартноманинг амал қилиш муддати аниқ белгилаб қўйилиши шартлиги белгиланган. Лекин, Фуқаролик кодексиди шартноманинг амал қилиш муддатини белгилаш билан боғлиқ қоида кўрсатиб ўтилмаган. Агар ушбу ҳолатга назарий жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар

келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, товар белгисига доир гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади. Мутлақ ҳуқуқ эгасининг лицензиатга товар белгисини тақдим қилиш билан боғлиқ лицензия шартномаси товар белгисига берилган гувоҳнома муддатидан ўтиб кетмаслиги талаб этилади. Демак, лицензия шартномаси муддатининг белгиланмаганлиги ҳамда ушбу шартноманинг бекор бўлиши товар белгисига берилган гувоҳномада кўрсатилган муддат билан лицензиатнинг товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи йўқолишига сабаб бўлади. Лекин, франшизинг шартномасининг товар белгисига берилган гувоҳнома муддати ўтганлигидан қатъи назар ўз кучида қолиши билан боғлиқ ҳолати ўзида айрим баҳсли жиҳатларни намоён этади .

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 871-моддаси 2-қисмига мувофиқ, “тарафлардан ҳар бири муддатсиз тузилган комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, бу ҳақда иккинчи тарафни олти ой олдин хабардор қилиши керак”лиги белгиланган. Табиийки, мазкур қоидани лицензия шартномасига нисбатан тадбиқ этиш шартноманинг мазмунига ва ҳақиқий санамаслик шартларига таъсир этмайди. Зеро, шартнома конструкцияси ўзида интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳақидаги қоидалар билан



муҳофаза қилинадиган объектларни мутлақ ҳуқуқлар комплекси сифатида бир тарафдан бошқа тарафга ўтказишни ифодалайди. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 871-моддаси 2-қисмини ҳамда 874-моддасида белгиланган қондани ҳар доим ҳам қўллаб бўлмайди. Масалан, лицензиат франшизинг шартномаси бўйича лицензиардан қабул қилган комплекс мутлақ ҳуқуқлари таркибига кирувчи у ёки бу шахсийлаштириш воситаси амал қилишининг кучдан қолиши, хусусан товар белгисига берилган гувоҳноманинг амал қилишининг тугаши натижасида лицензиатнинг ушбу товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқининг йўқолишига сабаб бўлади. Агар товар белгиси лицензиат учун тадбиркорлик фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлса, ўз навбатида бусиз товар ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишда лицензиатнинг моддий манфаатдорлигининг йўқолишига, табиийки бундай ҳолатда лицензиат ортиқ ушбу шартномадан моддий манфаатдорликни умид қилмаслигига сабаб бўлади. Юзага келган ҳолат лицензиар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бунда лицензиар учун энг муҳими лицензиатдан шартнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 865-моддасида белгиланган ҳақни олиб туриши ҳисобланади. Умуман олганда, лицензиат ушбу мутлақ ҳуқуқ комплексида фойдаланаяптими ёки фойдаланмаяптими мазмунидаги саволга жавоб бериш лицензиар учун аҳамиятга эга эмас. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 874-моддасида

белгиланган шартни ушбу ҳолат бўйича қўллаш лицензиат ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлади. Учинчидан, франшизинг ва лицензия шартномаларига мувофиқ, лицензиатга тақдим этилган шахсийлаштириш воситаларидан лицензиар қандай турдаги маҳсулот ишлаб чиқарса, лицензиат ҳам худди шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариши шарт. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 867-моддаси 1-қисми 2-бандига мувофиқ, “лицензиат шартнома асосида ишлаб чиқараётган товарлари сифати бевосита лицензиарнинг ўз ишлаб чиқараётган шундай товарлар сифатига аниқ мос бўлишини таъминлаши шарт”. Мазкур талаб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддаси 4-қисмида белгиланган. Унга кўра лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги ҳақида шарт қўйилган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиши кўрсатилиши лозим. Кўриниб турибдики, ҳар икки турдаги шартномада лицензиат томонидан ишлаб чиқариладиган товар маҳсулоти лицензиарнинг товари сифатидан паст бўлмаслиги билан боғлиқ белгиланган мазкур шарт шартноманинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ушбу шартнинг шартномада кўрсатилмаслиги шартнома тузилмаганлигини англатади. Шартномада белгиланган товар сифатининг бир хил бўлиши билан боғлиқ шарт ўзида учта жиҳатни намоён этади:



1) лицензиарнинг товар бозоридаги ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш, ўзига рақобатчи бўлган шахслар билан рақобатлашиш ҳолатини ҳуқуқий таъминлаш;

2) истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Чунки, лицензиар бир неча йиллар давомида маълум сондаги истеъмолчиларни ўз маҳсулотига ўргатган ҳамда оммавийлигини таъминлашда кўп вақт ва маблағ сарф этган. Шу сабабли ҳам лицензиат томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот устидан лицензиарнинг назорат қилиб туриши товарнинг истеъмоллигини сақлайди ;

3) ушбу шарт нафақат шахсий манфаат, балки оммавий манфаатлар билан ҳам бевосита боғлиқдир. Шартнинг оммавийлиги, энг аввало давлат истеъмолчиларнинг сифатсиз маҳсулотларни сотиб олиш ва уни истеъмол қилишидан ҳимоя қилишга қаратилгандир. Шу сабабли ҳам агар лицензиар лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ўзининг маҳсулоти билан қиёсланишида сифатсиз эканлигини билган ва бунга йўл қўйган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиат билан бирга субсидиар жавобгар бўлади. Мазкур ҳолат масаланинг бир жиҳати бўлса, франшизинг ва лицензия шартномаси тарафларининг шартнома тузишда лицензиат томонидан тақдим этилган мутлақ ҳуқуқ объектларидан фойдаланган ҳолда қайси товар маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзаро аниқлаштириб олишлари лозимлиги масаланинг икки жиҳати ҳисобланади. Бунда лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, лицензиар томонидан ишлаб

чиқарилаётган маҳсулот турлари билан бир хил бўлиши талаб этилади. Лицензиар лицензия шартномасида лицензиатнинг ишлаб чиқарадиган товар маҳсулот(лари)нинг тури аниқ кўрсатилиши лозим. Лекин, ҳуқуқни қўллаш амалиётида лицензиар ҳар доим ҳам ушбу шартга риоя қилавермайди. Қолаверса, шартномани рўйхатга олишга ваколатли орган томонидан ҳам ушбу ҳолатга етарли даражада эътибор қаратмайди. Масалан, 2015 йил 20 октябрда (айрим сабабларга кўра, лицензиар ва лицензиат номи ўзгартирилади) “А” исмли шахс билан (лицензиар) ва “Б” исмли шахс (лицензиат) ўртасида товар белгисидан фойдаланиш бўйича лицензия шартномаси тузилади (шартнома Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигидан 2015 йил 27 ноябрда SMG 215/2015-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Шартноманинг илова қисмида “А” (лицензиар) “Б” (лицензиат)га тақдим этган товар белгиси остида қайси турдаги товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ илова кўрсатиб ўтилган. Лекин, шартноманинг илова қисми ўрганилганда товар ва хизматларнинг халқаро Ницца таснифининг 9 ва 11-синфида кўрсатилган барча товарларнинг рўйхати кўрсатилган. Аслида лицензиар лицензиат томонидан ишлаб чиқариш имконига эга бўлган аниқ товар маҳсулоти турини кўрсатиши лозим эди. Одатда, лицензия шартномасида лицензиар товар ва хизматларнинг халқаро Ницца таснифининг 9 ва 11-синфида кўрсатилган барча товарларни ҳар доим ҳам ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлавермайди. Ушбу



ҳолатда, лицензиар лицензиатга ўзи амалда аниқ ишлаб чиқарадиган товар турини кўрсатиши лозим эди. Шунингдек, шартномани рўйхатга олувчи орган ҳам бунга жиддий эътибор қаратиши лозим эди. Агар шартномада Ницца таснифининг 9 ва 11-синфида кўрсатилган барча товар турларини лицензия шартномасига илова қилиб кўрсатсак, бунда албатта лицензиат шартнома иловасидаги лицензиар ишлаб чиқармайдиган товарни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлади. Натижада лицензиар лицензиат томонидан ишлаб чиқариладиган товарни ишлаб чиқармаганлиги учун уни сифат жиҳатдан текшириш имконига эга бўлмайди.

Юқорида сўз юритилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, франшизинг шартномасига мувофиқ, мутлақ ҳуқуқларни тақдим этиш билан боғлиқ шартномани айрим хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 863-моддасида белгиланган франшизинг шартномасини тадбиркор рўйхатга олинган органдан эмас, балки лицензия шартномаси каби Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 871-моддаси 2-қисмига кўра, “агар франшизинг шартномаси муддати кўрсатилмаган бўлса, тарафлардан ҳар бири истаган вақтда иккинчи тарафни олти ой олдин хабардор қилган ҳолда бош тортишга ҳақли” эканлиги белгилаб қўйилган. Мазкур қоида, ўз навбатида лицензия

шартномасига нисбатан ҳам қўлланилади. Лекин, ушбу қоидани айрим ҳолатларда масалан, франшизинг шартномаси бўйича комплекс шахсийлаштириш воситалари билан бирга тақдим этилган тижорат сирининг ошкор бўлиши ёки товар белгисига берилган гувоҳноманинг амал қилиш муддатининг тугаши, лицензиатнинг ушбу шартномага нисбатан қизиқишининг йўқолиши ҳолатида муддатни қўллашни чеклаш мақсадга мувофиқ.

Франшизинг шартномаси ва лицензия шартномалари бўйича лицензиатнинг шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда товарлар ва хизматларнинг халқаро Ницца таснифининг тегишли синфларида кўрсатилган товарларнинг ҳаммасини эмас, балки лицензиат томонидан аниқ ишлаб чиқариладиган товар маҳсулотларининг турлари кўрсатилиши ва ушбу тартиб рўйхатга олиниши лозим. Чунки, лицензиар лицензиатнинг аниқ қайси товарни ишлаб чиқараётганлиги ва уни сифатлилик нуқтаи назаридан назорат қилиш имконига эга бўлади. Шу сабабли ҳам, ушбу қоида тегишли қонунчиликда ўз аксини топиши лозим. Умуман олганда, франшизинг шартномаси ва лицензия шартномалари (франшизинг шартномаси бўйича комплекс мутлақ ҳуқуқ тақдим этиш, лицензия шартномаси бўйича битта мутлақ ҳуқуқни тақдим этиш жиҳатдан фарқланиши ҳисобга олинмаганда) ўзининг мазмунига кўра бир-биридан фарқланмайди.

Айрим ҳолатларда лицензия шартномаси бўйича тақдим этилган товар белгиларининг лицензиат



томонидан фойдаланиши ҳамда лицензиарники каби сифатда бўлмаган товарларни ишлаб чиқариш ва уни савдо муносабатларида таклиф этиш ҳолатларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Буни ўз навбатида, икки ҳолат билан асослаш мумкин:

биринчидан, лицензиарнинг ҳар доим ҳам лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотининг сифатини назорат қилиш имконига эга бўлмайди;

иккинчидан, лицензиар лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотини сифатсиз ҳамда истеъмолга яроқсиз эканлигини билади, лекин ушбу шартнома орқали кўраётган даромади туфайли бунга атайин йўл қўйиб беради. Кўрсатиб ўтилган иккинчи ҳолатда мутлақ ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли товар белгисидан товар ишлаб чиқариш муносабатларида фойдаланмаган ҳолда (фойдаланишсиз эгалик қилиш, мутлақ ҳуқуқ эгасининг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1104-моддаси 1-қисмида белгиланган товар белгисидан сабабсиз беш йил давомида услуксиз фойдаланмаслик ҳолатида бекор қилинишидан ҳимояланиш мақсадида) лицензия шартномасига асосан лицензиатга тақдим этади. Шу сабабли ҳам, тегишли қонунчиликдаги ушбу ҳолатни аниқлаштириш, шу билан бирга истеъмолчи манфаатлари нуқтаи назаридан аниқ жавобгарлик чораси белгиланиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси

каби лицензия шартномасини ҳам алоҳида ажратган ҳолда белгилаш лозим. Бунда эътибор бериладиган жиҳат аввало тарафларнинг шартнома предметиға тааллуқли фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишнинг ўзига хос алоҳида қоидалари, лицензиарнинг ўз товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқлари, лицензиатнинг лицензия шартномасида белгиланган мажбуриятларни амалга оширмаганда унга нисбатан моддий-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ алоҳида шартлар, шу билан бирга лицензиарнинг жавобгарлиги ва ҳ.к.

Фуқаролик қонунчилигида лицензия шартномасининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш билан боғлиқ мазкур жиҳатларга эътибор қаратиш орқали мутлақ ҳуқуқ эгаси юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қолаверса лицензиат ҳам товар белгисидан фойдаланиш билан боғлиқ ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ амалга ошириш имкони яратилади. Тўғри, Фуқаролик кодексининг айти қоидаларида лицензия шартнома-сининг ҳуқуқий мақомини белгилаш билан боғлиқ қоида мавжуд. Лекин, ушбу қоида ўз мазмунига кўра лицензия шартномасини тузиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни белгилашда ушбу қонуннинг бошқа нормаларига ҳавола қилади. Бу эса айти вақтда тарафларнинг шартнома шартларини амалга ошириш билан боғлиқ баъзи тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

References:



1. Б.Болиев Мутлақ хуқуқлар комплекси – комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасининг объекти сифатида // Олий хўжалик суди Ахборотномаси. 11/2016 й. – Б. 24.
2. Groenewald C. When is your Licence Agreement a Franchise Agreement? //Without Prejudice. – 2019. – Т. 19. – №. 8. – С. 13-15.
3. Hargov A. Franchise agreements: When is a debt incurred in the context of insolvent trading law? //Governance Directions. – 2019. – Т. 71. – №. 9. – С. 511-515.
4. Гражданское право России. Часть вторая. Обязательственное право: Курс лекций / Отв. ред. О.Н. Садиков. М., 1997. – С. 587 (автор - Л.А. Трахтенгерц); Шмиттгофф К. Экспорт: право и практика международной торговли. М., 1993. – С. 139.
5. Гражданское право: В 2 т. Том II, полутом 1: Учебник / Отв. ред. проф. Е.А. Суханов. 2-е изд., перераб. и доп. М., 1999. – С. 627. (автор - И.А. Зенин).
6. Germann S. Force Majeure Provisions in Franchise Agreements in New Zealand //Franchise Law Journal. – 2021. – Т. 40. – №. 4. – С. 681-691.
7. Abell M., Hobbs V. Duty of Good Faith in Franchise Agreements-A Comparative Study of the Civil and Common Law Approaches in the EU //Int'l J. Franchising L. – 2014. – Т. 12. – С. 25.
8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ; илмий шарҳлар. -Т.: “Baktria press”, 2013. – Б. 12.
9. Mehdipour M., Bagheri P. The Franchise Agreement in International Trade: its Advantages and Disadvantages //Cuestiones Políticas. – 2021. – Т. 39. – №. 69.